

## ТАСВИРИЙ САНЪАТ ДАРСЛАРИДА ҲАРАКАТДАГИ ИНСОНЛАРНИ ҲОМАКИ ТАРЗДА ТАСВИРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

**Байметов Ботир Болтабаевич**

Чирчиқ давлат педагогика университети профессори

[bbb19532506@gmail.com](mailto:bbb19532506@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

Мақола талабаларга одамларни тасвирлашга ўргатиш жараёнида эътибор беришлари керак бўладиган асосий жиҳатлардан бири бўлган ҳаракатнинг реалистик санъатда қўлланилишига қаратилган. Шунингдек, ўқув машқ жараёнида талабаларнинг ижодий қобилиятларини такомиллаштиришда тасвирий санъат фанининг назарий қонунларидан фойдаланиш орқали тасвирлаш методикасини эгаллаш, талабаларга инсон шаклини фазовий кўриш ва тасвирлаш қобилиятини шакллантириш жараёнида тасвирий санъатнинг техникасини қўллай олиш билим ва амалий кўникмаларга эга бўлиш масалаларига қаратилган.

**Калит сўзлар:** Тасвирий санъат, ҳаракатдаги инсон тасвири, чизги, натура, бадиий тасаввур ва ижод, инсоннинг динамик ва статик ҳолатлари.

### ABSTRACT

The article focuses on the application of movement in realistic art, which is one of the key aspects that students should pay attention to in the process of teaching them to describe people. Also, mastering the technique of depiction through the use of theoretical laws of fine arts in the development of creative abilities of students in the learning process, students can apply fine arts techniques in the process of forming the ability to see and depict the human image spatially, focusing on issues of knowledge and practical skills.

**Keywords.** Fine art, the image of a man in motion, drawing, nature, artistic imagination and creativity, the dynamic and static states of human.

Маълумки, тасвирий санъатда инсон тасвирини акс эттиришнинг энг қийин жараёни унинг турли ҳаракатли вазиятларда ҳолатларини чизишдир. Педагогика олий таълим муассасаларининг бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий тайёрлайдиган факультетларида инсон қиёфасини ҳаракатдаги ҳолатларидан тасвирлар ишлаш машғулоти юқори курсларда амалга оширилади. Инсон қиёфачилик қилиб турганда ҳам доим бир ўзгармас вазиятда

"котиб" тура олмайди. Ҳар қанча ҳаракат қилиб, тиришмасин, бунга эриша олмайди. Бунинг сабаби эса уни атрофдан туриб кузата олмаслигидан табиий ҳолатини дастлабки кўринишини идора қила олмаслигидандир. Шунинг учун қиёфачи ўзгариб ҳолатини бошқача қилиб олса, чизувчига дарров аён бўлади, чунки тасвирловчи ўзи чизаётган расм билан модель орасидаги юзага келган фарқ ва ўхшашликни назорат қилиб туради.

Ҳаракатли, турли вазиятлардаги одам тасвирларини қисқа ва кўп муддатли қилиб ишлаш мумкин. Бунинг учун машқ сифатида бажариладиган натурачилар сифатида турли хил касб эгалари - қиёфачилардан фойдаланилади. Масалан, биринчи машғулот учун устахонадаги баландроқ курсига унча катта бўлмаган дастгоҳ қўйилади (оддий катта яшчик ёки стол қўйса ҳам бўлаверади).

Модель сифатида уста дурадгор қиёфачи таклиф этилади ва у ўтирган жойини ўзгартирмаган ҳолда жуда секин суратда меҳнат жараёнининг фақат битта қисмини (навбатма-навбат) бажаради холос. Ваҳоланки, унинг иш жараёнида бир меъёрдаги бир хил иш такрорланаверади (масалан, тахтани узунасига арралайди, тахта учини болта билан йўнади, тахтани рандалайди, тешик очади, искана билан тозалайди, миҳ қоқади ва ҳоказо). Хомаки расмлар ишлаш учун худди шу каби ўқув машғулотларни ўтказилади. Талаба ушбу ҳаракатдаги қиёфачини энг хусусиятли ифодалаш учун қизиқарли ҳолатини топиб, уни тезкор лавҳаларда чиза бошлайди. Бу машқ 2 соат давом этиши мумкин. Бу хомаки расмлар ҳар хил даражада тугалланиши ва улар ҳатто кузатиш натижаларини ўзида мужассам этган "схематик" чизмалар кўринишида қолиб кетиши мумкин. Иккинчи машғулот бироз мураккаброқ бўлиб, у ҳам юқоридаги вазифани ҳал этишга мўлжаллангандир. У шундан иборатки, қиёфачиликда турган модель бирор ишнинг фақат маълум қисмидангина иборат ҳаракатини қилади

Бошқа мисол: энгилгина ҳарир кўйлак кийган қиз ойна артмоқда. Ойна ҳажми анча катта бўлганлиги туфайли, у иш давомида ҳар турли ҳолатларда бўлади: баъзан ерда туриб, баъзан дераза пештоқига чиқиб ёки нарвонда туриб ҳар томонга бурилади қўлидаги латтани у қўлидан бу қўлига олади, тоғорадаги сувга латтани хўллаш учун энгашади ва ҳоказо. Юқоридаги вазиятларнинг энг хусусиятлилари танлаб олиниб, босқичма-босқич бир қатор чизматасвирлар ишланади. Яхшиси қиёфачи ёруғга қарама-қарши туриши керак. Чунки бунда унинг қомати "силуэт"да кўринади, яхлит тасвирлашга қулай бўлади. Яхлит тасвирни эса кўмир қаламчалари билан ва шунингдек "соус", "сангина" ва акварел бўёғида бажариш мумкин. Тасвирлар ҳар хил тугатилиши мумкин. Лекин барибир уларда ўша ҳаракат мароми сезилиб туриши керак.

Энг мураккаб ўқув вазифалардан бири сифатида расм чизувчига нисбатан ўз ўрнини тез алмаштириб турувчи, яъни юриб ёки чошиб кетаётганда кийимдаги инсон шаклини ўрганишга қаратилган хомаки расмларни олиш мумкин. Шунинг назарда тутиш керакки, ҳар бир ҳаракатдаги объект, жумладан одам ҳам, бизнинг кўриш қобилиятимизда кенгликнинг битта нуқтасида эмас, балки бир йўла бир нечта нуқтада идрок этилади. Ана шу ходиса кузатувчида ҳаракат ҳиссини уйғотади. Нисбатан анча секин ҳаракатда тархнинг умумий қораси ва шаклнинг баъзи тафсилотларини илғаб олиш мумкин. Тез ва айниқса жуда тез ҳаракатда эса шаклнинг баъзи ҳолатлари аралашиб бир бутунликка кириб кетгандек туюлаверади, кузатувчида бу ҳаракат ҳақида умумий таассурот қолади, барча тафсилотлар эса бутун шакл массасига кириб кетиб, кўпам сезилавермайди.

Маълумки пиёда юраётган ёки югуриб кетаётган инсон шаклини статик хомаки расмда акс эттириш ва уни ёрқин кўрсата билиш учун энг аввало кузатиш ва ўрганиш жараёнида ўзингизга унинг ҳаракати ҳақида ҳисобот беришингиз, шаклнинг қайси алоҳида ҳолатларидан у бизнинг кўриб идрок этишимизда тўпланиб, мужассамлашиб боришини ҳаёлан аниқлаб олиш керак бўлади. Агар юриш вақти кенглигида нафақат тана балки оёқ ва қўллар ҳам синхрон тарзда бир меъёрда ҳаракатда бўлишини инобатга оладиган бўлсак, у ҳолда бутун кузатиш давомида шаклнинг ташқи кўриниши (силуэт ва контур) ҳам узлуксиз ўзгаришда бўлади. Гап шундаки, ҳаракатни чизиб кўрсатиш вазифаси юқоридаги ҳолатлар "схемасини" эслаб қолиб югуриб ёки юриб келаётган натурадан шунчаки "нусха кўчириб" қўя қолишдан иборат эмас, балки ҳаракат хусусиятини диққат билан кузатиб ва уни ўрганиб, ҳаракат вақтида унинг бутун ҳолатлари йиғиндисидан биттасини, энг ифодалигини танлаб олиб, ўша ҳолатни хомаки расмда яъни "статик" (муқим) тасвирда кўрсата билишдан иборатдир.

Қаламтасвирда кўп нарса онгли равишда тушириб қолдирилган (бош белгиланмаган, одамнинг улов билан боғлиқлиги йўқ, шаклдан (одам қоматидан) фақат орқа гардан чизиги қолган ва ҳоказо). Лекин шуларга қарамай, тасвирда инсон ҳаракатидаги зўриқиш ҳиссини уйғотадиган ҳамма нарса бор. Бу расм шунга ишонч туғдиради ва шу билан бирга хомаки расм – бу воқелик ҳужжати ҳам, сурат ҳам эмаслигини, балки рассомнинг идрокидан ҳосил бўлган таъсирнинг интиқоси (баъзи ҳолларда деярли стенографик шаклда) эканлигини шундайгина айтиб турибди.

Ўтилган дарс машғулотлари мазмунига мослаб такрорлаш учун мустақил равишда турли ракурс ва ҳолатлардан тасвирлар бажариш мумкин.

**АДАБИЁТЛАР:**

1. Б. Бойметов. Қаламтасвир. дарслик. Т. Муסיқа нашриёти, 2006
2. Байметов Ботир Болтабоевич. Тасвирий санъатдан бўлажак рассом-ўқитувчиларни касбий тайёрлашда композиция фанининг назарияси ва методикаси. Science and education journal. 2020/4. 461-467 б.
3. К.Н. Аксенов. Рисунок М. «Панорама» 1990
4. В.С. Кузин. Наброски и зарисовки. Москва “Просвещение”1981 .
5. К.Н. Аксенов. Рисунок. Москва “Панорама” 1990.